

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

625 Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ–2133-сон қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 73-бандини ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин ҳамда улар 2015 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ харажатлар 2015 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида «Маориф» тармоғи бўйича назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкама-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

сининг «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон ҳамда «Халқ таълими худудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарорлари)» 2011 йил 20 июндаги 183-сон қарорига илова 9-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 55-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 24 декабрь,
362-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 24 декабрдаги 362-сон қарорига
ИЛОВА

**Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига
ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. «Лавозимлар номи» устунининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудир, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари қошидаги методика кабинетлари, давлат таълим стандартлари мониторинги бўлимлари ҳамда ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари ходимлари (методистлари)».

2. «Лавозимлар номи» устунининг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳлари ходимлари».

3. 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.